XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI
QARORI

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2023 - yil 31 - yanvar VI-69-16-2-41-K/23 Shofirkon tuman hokimligi

Тумандаги “Дўрмон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги “Заркент” маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этиш тўғрисида

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги 295-сонли “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги 350-сонли “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссияси раисининг котиби Ш.Облоқулованинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тумандаги “Дўрмон” маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳудудида янги “Заркент” маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилсин.

3. Янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғини “Заркент” деб номлансин.

4. Маҳалла ҳудудининг чизмаси илова мувофиқ тасдиқлансин.

5. Халқ депутатлари туман Кенгашининг Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссиясига бир ой муддатда янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинида белгиланган тартибда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш юклатилсин.

6. Туман молия бўлими (Н.Наимов)га янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғини ходимларига ойлик иш ҳақи ҳисоблаш юклатилсин.

7. Туман Ички ишлар бўлими (А.Исмоилов)га янгидан ташкил этилган “Заркент” маҳалла фуқаролар йиғинига муҳр ва тамға олишга кўмаклашиш ҳамда бир ой муддатда маҳалла фуқароларининг паспортларидаги доимий яшаш манзилларига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

8. Халқ банки туман филиалига “Заркент” маҳалла фуқаролар йиғинининг банк ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

9. Туман Статистика бўлими (Б.Азимов) янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинини рўйхатга олсин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси раиси И.Тўхсанов зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

Sessiya raisi **A.A.Obidov**

Xalq deputatlari Shofirkon
tuman Kengashining
2023 yil 31 yanvardagi
VI-69-16-2-41-K/23-son
qaroriga
1-ilova

Дурмон МФЙ



Янгидан ташкил этиладиган МФЙ

